
Ватанпарварлик тадбири ўтказилди

????Риштон туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. ???Риштон тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман туризм ва спорт бўлими, туман маданият бўлими, Ватанпарвар ташкилоти, туман маънавият ва маърифат бўлими, Фарғона вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси ҳамкорлигида Риштон тумани Чек Насриддин МФЙда "Мен сени севаман, она Ватаним" шиори остида ватанпарварлик тадбири ташкил этилди.???Тадбир бошида “Саломатлик сари - 5000 минг қадам!” оммавий юриш марофони ҳамда бадантарбия машғулотлари ўтказилди.???Оммавий юриш марофонида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, Чек Насриддин маҳалласидаги ўз соғлигига бефарқ бўлмаган нуроний отахонлар, онахонлар ва ёшлар иштирок этишди.

2022-02-15 20:58:06